

Абулқосимов Мурод Ҳасанович,
Божхона институти ўқитувчиси, Тошкент
молия институти мустақил тадқиқотчиси

КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШ - ШАХС ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

УДК 334.012.8

АБУЛҚОСИМОВ М.Ҳ. КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШ - ШАХС ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Мақолада камбағалликнинг шахс иқтисодий хавфсизлигига таҳдид эканлиги асосланган, унинг моҳияти, шакллари ва сабаблари ҳамда уни қисқартириш ва унга қарши кураш йўллари баён қилинган.

Таянч иборалар: иқтисодий хавфсизлик, шахс иқтисодий хавфсизлиги, камбағаллик, нисбий камбағаллик, мутлоқ камбағаллик, қашшоқлик, кам таъминланган оила, таъминланган оила, бой оила.

АБУЛҚОСИМОВ М.Х. БОРЬБА ПРОТИВ БЕДНОСТИ - ВАЖНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЛИЧНОСТИ

В статье бедность обоснована как угроза экономической безопасности личности, в ней изложены сущность, формы проявления и причины возникновения бедности, а также пути борьбы против неё.

Ключевые слова: экономическая безопасность, экономическая безопасность личности, бедность, относительная бедность, абсолютная бедность, нищета, малообеспеченная семья, обеспеченная семья, богатая семья.

ABULKOSIMOV M.KH. THE FIGHT AGAINST POVERTY AS AN IMPORTANT DIRECTION TO ENSURING THE ECONOMIC SECURITY OF INDIVIDUALS

In the article, poverty is justified as a threat to the persons economic security. There is discussed essence, forms of manifestation and causes of poverty, as well as ways to overcome.

Key words: economic security, economic security of an individual, poverty, relative poverty, absolute poverty, destitution, low-income family, secured family, rich family.

Кириш.**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.**

Камбағаллик ва қашшоқликка дучор бўлиш шахснинг иқтисодий хавфсизлигининг таъминланмаганлигини англатади. Шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири камбағалликни қисқартириш ва унга қарши кураш ҳисобланади. Бунга сабаб дунёда камбағаллик ва қашшоқлик кўламлари кенгайиб бормоқда. БМТ томонидан берилган маълумотларга қараганда, ер юзида қарийб бир миллиард аҳоли кунига бир АҚШ доллари ҳисобига яшайди; 2,5 миллиард кишининг даромади икки АҚШ долларига тенг. Ташкилот экспертлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, 2016-2017 йилларда энг қашшоқ мамлакат сифатида Марказий Африка республикаси (МАР) эътироф этилган. Мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ кўрсаткичи 542 долларни ташкил этиб, жаҳонда ОТИС билан касалланганлар сони бўйича етакчи мамлакат ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида биринчи марта мамлакатимизда камбағал аҳоли қатлами борлигини, улар аҳолининг таъминан 12-15 фоизини, яъни 4-5 миллион кишини ташкил этишини таъкидлади. Шу вақтгача республикамизда кам таъминланган аҳоли тушунчаси қўлланиб келинган эди. Камбағал сўзи ҳеч қачон айтилмаган эди. Юртбошимиз Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этди ҳамда бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш вазифасини белгилаб берди². Бу эса мазкур мақола мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот мақсади камбағалликнинг мазмунини, намоён бўлиш шакллари, вужудга келиш сабабларини ҳамда тенденцияларини таҳлил қилиш асосида унга қарши кураш бўйича илмий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари сифатида илмий абстракция, мантиқий анализ ва синтез, қиёсий ва иқтисодий-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

- камбағаллик тушунчасининг мазмуни ва намоён бўлиш шакллари очиб берилган;
- камбағалликнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилган;
- камбағалликни ўлчаш усуллари баён қилинган;
- камбағалликни қисқартириш ва унга қарши кураш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Мақоланинг мазмуни. Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги инсон хавфсизлигининг бир йўналиши ҳисобланади. БМТ тараққиёт дастури таърифига асосан инсон хавфсизлиги «муҳтожликдан ҳолилик», «қўрқувдан ҳолилик» ва «ўз қадр-қимматини ҳис қилиб турмуш кечириш» маъноларини англатади ва уларга асосланиб, хавфсизлик хатарлари билан бир қаторда ривожланиш ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш муаммоларига асосий эътибор қаратилади.

Инсон хавфсизлигининг муҳим таркибий қисмларидан бири қашшоқликдан ҳолилик, қўрқувдан ҳолилик ва ўз қадр-қимматини ҳис қилиб турмуш кечириш деб изоҳланади. Инсонлар учун хавф-хатар уларнинг тириклиги учун (жисмоний эксплуатация, жабр-зулм, таъқиб, ўлим), ҳаёт кечириш учун (ишсизлик, саломатлик, хавф-хатар, озик-овқат тақчиллиги ва ҳ.к.) ва ўз қадрини билиш учун (инсон ҳақ-ҳуқуқларининг чеклаб қўйилиши, тенгсизлик, сегрегация (ирқий камситиш формаларидан бири), сиқиб чиқариш, камситиш ва ҳ.к.)га таҳдид ҳисобланиши мумкинлигини англашдир. Камбағаллик ва қашшоқликка дучор бўлиш инсон учун иқтисодий таҳдид бўлиб, унинг иқтисодий хавфсизлигининг таъминланмаганлигини кўрсатади. Шу боисдан камбағаллик ва қашшоқликка қарши кураш ҳамда уларни қисқартириш шахс иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Иқтисодий адабиётларда камбағаллик – бу турмуш кечириш, меҳнат лаёқатини сақлаб туриш, авлодлар узвийлигини давом эттириш учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳлар иқтисодий аҳолининг кўрсаткичи, ижтимоий гуруҳ ёки индивиднинг ҳаёт учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларини қондира олмаслигининг

¹ Ijtimoiy siosat. O'quv qo'llanma. I.f.d., prof. A.V.Vahobovning umumiy tahriri ostida, Toshkent: "Mumtos so'z", 2019. - 136- bet.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. // "Халқ сўзи" газетаси, 2020 йил 25 январь.

иқтисодий шароитини акс эттирувчи хусусият, деб таъриф берилади. Камбағаллик нисбий тушунча ҳисобланиб, ҳар бир жамиятдаги турмуш даражасининг умумий стандартига боғлиқ бўлади. Депривацион ёндашув бўйича камбағаллик тушунчаси нафақат ҳаёт учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларини қондира олмаслик ва даромадларнинг етишмовчилигини, балки сифатсиз овқатланиш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланолмаслик ҳамда муносиб уй шароитларига эга бўлмаслик каби шароитларни ҳам ўз ичига олади¹.

Камбағалликни аниқлаш концепциялари жаҳон амалиётида учта бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. *Камбағалликнинг мутлақ концепцияси.* Ушбу концепция камбағаллик чегараси тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Камбағаллик чегараси мавжуд даромад, ялпи даромад ёки истеъмолнинг шундай даражасики, бу даражадан паст бўлганда одам камбағал ҳисобланади. Мутлақ камбағаллик кўпинча истеъмол ёки даромад даражаси камбағаллик чегарасидан паст бўлган одамлар ёки уй хўжаликлари сони орқали ўлчанади. Жаҳон банки мутлақ камбағаллик чегараси сифатида кунига 1,25 АҚШ доллари ҳисобига (доллар курси харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланади) кун кечирини белгилаб қўйган.

2. *Камбағалликнинг нисбий концепцияси.* Камбағалликнинг нисбий кўрсаткичи камбағаллик нисбий чегарасини белгилайди ва аҳолининг амалдаги даромадини ана шу даражага нисбатан таққослайди. Жамиятнинг реал даромадлари ортиб бораётган шароитда тақсимлаш ўзгармаса, нисбий камбағаллик аввалгидек сақланиб қолади. Бундан нисбий камбағаллик концепцияси тенгсизлик концепциясининг таркибий қисми деган хулоса чиқариш мумкин. Бироқ бу тенгсизлик қанча кам бўлса, нисбий камбағаллик шунчалик кам бўлиши маъносини бермайди ёки аксинча. Нисбий камбағаллик концепциясининг асосчиси, инглиз социологи П.Таунсенд бу категорияни иқтисодий ресурсларнинг етишмаслиги оқибатида, мазкур жамият кўпчилик аъзолари учун одатий турмуш тарзини давом эттиришнинг имконияти бўлмаслиги сифатида таърифлаган. У ўзининг камбағалликнинг таҳлил этиш усулини кўп

ўлчамли депривация тушунчасига асослаган. Бундай ҳолатни у "шахс, оила ёки гуруҳнинг жамият ёки умуман миллат манзарасидаги кузатилаётган ва асосланадиган ночор аҳволи" сифатида тушунтирган. П.Таунсенд томондан кўп ўлчамли депривация усули қўлланилиб, унда моддий депривация (овқатланиш, кийим-кечак, турар-жой шароитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган ашёлар, яшаш жойи муҳити, меҳнат шароитлари ва хусусиятлари), ижтимоий депривация кўрсаткичларига (иш билан бандлик, бўш вақтни ўтказиш, таълим ва ҳоказолар хусусиятлари) қўшилган².

3. *Субъектив камбағаллик.* Мазкур концепцияга кўра, фақат шахснинг ўзи камбағаллигини белгилаши мумкин. Субъектив камбағаллик даражасини аниқлашга турли ёндошувлар мавжуд. Шунингдек, ижтимоий фикрга асосланган ҳолда субъектив камбағаллик чегарасини аниқлаш, шундан сўнг уни аҳоли даромади билан таққослаш мумкин³.

Камбағалликнинг мутлақ даражаси – бу турмуш кечирининг энг қуйи даражаси ҳисобланиб, инсоннинг ўзининг асосий эҳтиёжларини қондириш учун ҳаётининг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар-жой ва ҳоказолар бўйича аниқланади.

Камбағалликнинг нисбий даражаси – бу ушбу давлат (минтақада) турмуш кечирининг ўртача даражаси учун талаб қилинадиган истеъмол саватининг энг кам миқдори даражасини кўрсатади. Нисбий камбағаллик фақат жисмоний эҳтиёжларнигина эмас, балки ижтимоий эҳтиёжларни ҳам ҳисобга олади⁴.

Камбағалликнинг партиципатор баҳолари (КПБ) — камбағалликнинг кишилар ўзларининг чорасизлиги ва ижтимоий камситилишини қабул қилишини назарда тутадиган сифатий жиҳатларини қайд этиш учун партиципа-

² Инсон тараққиёти. Дарслик: и.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида.-Т.: "Fan va texnologiya", 2013. – 229 бет.

³ Қаранг: Инсон тараққиёти. Дарслик: и.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида.-Т.: "Fan va texnologiya", 2013.-228-230-бетлар; Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётга оид атамалар ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. Уқув қўлланма. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. – Т.: "ABU MATBUOT-KONSALT", 2017.- 263-264-бетлар.

⁴ Қаранг: Инсон тараққиёти. Дарслик: и.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида.-Т.: "Fan va texnologiya", 2013.-230-бет; Ijtimoiy siosat. O'quv qo'llanma. I.f.d., prof. A.V.Vaxabovning umumiy tahriri ostida,-Toshkent: "MUMTOS SO'Z", 2019.-131- bet.

¹ Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. / Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. – Т.: "ABU MATBUOT-KONSALT", 2017. - 261-262-бетлар.

тор тадқиқотлар усулидан фойдаланиш методи. Камбағаллик даражаси ва уни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш зарур эканлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун аҳолининг йўқсил, ночор қатламлари ва уларнинг жамоаларини жалб қилишда КПБ жуда фойдали воситалардир¹.

БМТ тавсиясига биноан жаҳон амалиётида аҳоли турмуш кечиришининг энг кам миқдори ва истеъмол бюджетининг энг кам миқдори асосида даромадлари даражаси бўйича моддий таъминоти турлича бўлган қуйидаги аҳоли гуруҳлари ажратиб кўрсатилади:

– камбағал оилалар – бундай оилаларда жон бошига тўғри келадиган даромад аҳолининг турмуш кечириши учун зарур бўлган энг кам миқдордан паст даражада ёки унга тенг;

– кам таъминланган оилалар - бундай оилаларда жон бошига тўғри келадиган даромад аҳолининг турмуш кечириши учун зарур бўлган энг кам миқдор билан энг кам истеъмол бюджети миқдори ўртасида жойлашган бўлади;

– таъминланган оилалар - бундай оилаларда жон бошига тўғри келадиган даромад аҳолининг энг кам истеъмол бюджети миқдори ва оқилона истеъмол бюджети миқдори ўртасида жойлашган бўлади;

– бой оилалар - уларда жон бошига тўғри келадиган даромад оқилона истеъмол бюджети даражасидан юқори бўлади².

Камбағаллик сабаблари турлича бўлиб, улар қуйидаги гуруҳлардан иборат: а). *иқтисодий* (ишсизлик, иш ҳақининг камлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, миллий иқтисодиёт ёки ишчи ва ходимнинг иш билан банд бўлган тармоқнинг рақобатбардош эмаслиги); б). *ижтимоий-тиббий* (ногиронлик, қарилик, касалланиш даражасининг юқорилиги); в). *демографик* (тўла бўлмаган оилалар, оилада боқимандаларнинг кўплиги); г). *ижтимоий-иқтисодий* (ижтимоий кафолатлар даражасининг пастлиги); д). *таълим-малака* (таълим даражасининг пастлиги, касбий тайёргарликнинг етарли эмаслиги); е). *сиёсий* (ҳарбий можаролар, мажбурий миграция); ё). *минтақавий*-

жўғрофий (минтақаларнинг бир хил ривожланмаганлиги).

Камбағаллик чегараси, нисбий расмий камбағаллик чегарасидан қуйида яшаётган аҳолининг фоизлардаги улушига тааллуқлидир.

Жаҳон банки мутлақ камбағаллик чегараси сифатида кунига 1,25 АҚШ доллари ҳисобига (доллар курси хар бир мамлакат валютасининг харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланади) кун кечиришни белгилаб қўйган. Миллий камбағаллик чегараси — бу мазкур давлат томонидан расмий мақбул деб ҳисобланган камбағаллик чегарасидир. Миллий даражадаги баҳолаш кўрсаткичлари уй хўжаликлари даромадларини шарҳлаш натижаларига кўра аҳоли кичик гуруҳларини тадқиқ қилиниши асосида амалга оширилади³.

Жаҳон банкининг камбағалликни баҳолаш методологиясига кўра, 2017 йилдан бошлаб кишининг кунлик даромади 1,9 доллардан кам бўлса, у камбағал ҳисобланади. Ушбу ташкилот томонидан берилган маълумотга кўра 2018 йилда дунё аҳолисининг тахминан 10% га яқини камбағаллик даражасида ҳаёт кечирмоқда⁴.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг таъминланганлиги ва кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида уларнинг аҳоли умумий сонидеги улуши 2009 йилдаги 19,5% дан 2018 йилда 11,4% га камайди (қаранг: 1-жадвал).

Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида, аҳоли жон бошига ўртача тўғри келган пул даромадлари, иш ҳақи ва пенсиялар ўсишининг ижобий динамикаси вужудга кела бошлади (қаранг: 2-жадвал).

Аҳоли жон бошига даромадлар таҳлил даврида 4,8 мартага, ўртача йиллик ҳисобланган ойлик иш ҳақи 3,6 мартага, ўртача белгиланган ойлик пенсия миқдори 4 мартадан зиёдга ошган. 2017 йилда 2000 йилнинг мос даври даражасига нисбатан ўртача аҳоли жон бошига даромадларнинг ҳақиқий ўсиши 13,2 мартани, ўртача иш ҳақининг ҳақиқий ўсиши 24,3 мартани ва пенсия

¹ Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётга оид атамалар ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. Уқув қўлланма. Тузувчилар: Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. – Т.:“АВУ МАТБУОТ-КОНСАЛТ”,2017.- 264-бет.

² Инсон тараққиёти. Дарслик: и.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида.-Т.: “Fan va texnologiya”, 2013.-230-231-бетлар.

³ Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётга оид атамалар ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. Уқув қўлланма. Тузувчилар: Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. – Т.:“АВУ МАТБУОТ-КОНСАЛТ”,2017.- 262-263-бетлар.

⁴ Ijtimoiy siosat. O'quv qo'llanma. I.f.d., prof. A.V.Vaxabovning umumiy tahriri ostida,-Toshkent: "MUMTOS SO'Z", 2019.-136- bet.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳоли улуши (уй хўжаликлари танлама кузатувлари маълумотларига асосан)¹, (%да)

Кўрсаткич	Йиллар:						
	2009	2010	2012	2015	2016	2017	2018 ²
Кам таъминланган аҳоли улуши ³	19,5	17,7	15,0	12,8	12,3	11,9	11,4

2-жадвал. Аҳоли жон бошига ўртача тўғри келган пул даромадлари, иш ҳақи ва пенсияларнинг 2010-2018 йилларда ўсиши динамикаси⁴

Кўрсаткичлар	Йиллар					2018 йил 2000 йилга нисбатан, %
	2010	2016	2017	2018		
I. Аҳоли жон бошига даромадлар, жами, минг сўмда	1668,1	4565,2	5750,2	7963,3		-
Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳақиқий ўсиш, фоизда	-	273,7%	126,0%	138,5%		477,4%
II. Ўртача йиллик ҳисобланган ойлик иш ҳақи, минг сўмда	504,8	1293,8	1453,2	1822,2		-
Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳақиқий ўсиш, фоизда	-	256,3%	112,3%	125,4%		361,0%
III. Ўртача белгиланган ойлик пенсия миқдори, минг сўмда	171,9	494,2	567,3	695,5		-
Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳақиқий ўсиш, фоизда	-	287,5%	114,8%	122,6%		404,6%

миқдорининг ҳақиқий ўсиши 18,6 мартани ташкил этди⁵.

Ўзбекистон Республикаси аҳоли даромадларини аҳолининг 10 фоизли гуруҳлари бўйича нотекис тақсимланишини ифодаловчи децил коэффиценти 2010 йилдаги 8,5 дан 2015 йилда 7,0 га, 2018 йилда 6,1га пасайди. 2010 йилда 1-3-

¹ Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳоли улуши (уй хўжаликлари танлама кузатувлари маълумотларига асосан)// http://web.stat.uz/open_data/ru/9.1%20OD_Poverty_rate_rus.pdf

² дастлабки маълумотлар

³*Жаҳон банки тавсиясига кўра таъминланганлик даражаси кўрсаткичи кунлик 2100 ккал дан келиб чиқиб ҳисобланган.

⁴ Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг ривожланиши таҳлили// <http://stat.uz>; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017год.-Т.:Госком стат Р.Уз., 2018.-С.158,164,166; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь.-Т., ДСК, 2019.-266, 282, 292-бетлар маълумотлари асосида тузилди.

⁵ Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг ривожланиши таҳлили. 2017 йил январь-декабрь.-Т., 2018.-4-5-бетлар.// <http://stat.uz>

децил гуруҳларига кирувчи аҳолининг улуши 13,7%ни ташкил этган бўлса, 2018 йилда уларнинг улуши 15,7%га, яъни 2 пунктга ўсди (қаранг: 3-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 4-8-децил гуруҳлари аҳолиси улуши 2010 йилдаги 46,6% ни, 2018 йилда 46,5%ни ташкил этди. 2010 йилда 9-10-децил гуруҳлари аҳолисининг улуши 39,7% ни ташкил этган бўлса, 2018 йилда уларнинг улуши 37,8% гача камайди.

Мамлакатимизда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони 2015 йилдаги 3203,9 минг кишидан 2018 йилда 3690,3 минг кишига, яъни 15,2%га ўсган. Ногиронлиги бўлган шахслар сони шу даврда 586,5 минг нафардан 654,7 минг нафарга, яъни 11,6%га ўсган. Бунинг оқибатида 10000 аҳолига тўғри келадиган пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони 2015 йилдаги 1015 нафардан 1120 нафарга ошди⁶. Бу эса расмий иқтисодий секторда ишловчиларга демографик юкларнинг ошишига олиб келди. Тайинлан-

⁶ Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси/Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане.2015-2018.-Т., 2019.-85-87-бетлар.

3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадларини аҳолининг 10 фоизли гуруҳлари бўйича нотекис тақсимланиши (%да) (уй хўжаликлари танлама кузатувлари маълумотларига асосан)¹

Децил гуруҳ-лари	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Ўсиш пункт
I	2,9	3,0	3,1	3,2	3,4	3,7	3,8	3,9	3,9	1
II	4,8	4,9	5,0	5,0	5,1	5,3	5,4	5,5	5,4	0,6
III	6,0	6,1	6,1	6,0	6,0	6,3	6,4	6,4	6,4	0,4
IV	6,9	7,0	7,0	7,0	7,0	7,2	7,3	7,2	7,3	0,4
V	7,9	7,9	7,9	7,9	7,7	8,0	8,1	8,1	8,1	0,2
VI	9,1	9,0	8,9	9,0	8,8	9,0	9,1	9,1	9,1	0
VII	10,5	10,4	10,2	10,3	10,2	10,0	10,2	10,2	10,3	-0,3
VIII	12,2	12,2	12,2	11,9	11,9	11,4	11,5	11,6	11,7	-0,5
IX	14,9	14,9	15,1	14,4	13,8	13,5	13,8	13,9	14,1	-0,8
X	24,8	24,7	24,5	25,3	26,2	25,6	24,4	24,1	23,7	-0,9
Децил коэф-фици-енти ²	8,5	8,2	8,0	7,9	7,8	7,0	6,4	6,2	6,1	2,4

4-жадвал. 2019 йил январь ва ноябрь ойларида иш ҳақилари даражалари динамикаси³

№	Иш ҳақи миқдори	2019 йил январь		2019 йил ноябрь	
		Кишилар сони	Улуши, %	Кишилар сони	Улуши, %
1	0,1 минг сўмдан 1000,0 минг сўмгача	1855361	50,7%	1761007	43,6%
2	1000,1 минг сўмдан 2000,0 минг сўмгача	1007788	27,5%	1118827	27,7%
3	2000,1 минг сўмдан 4000,0 минг сўмгача	613528	16,8%	806891	20,0%
4	4000,1 минг сўмдан 5500,0 минг сўмгача	96549	2,6%	172464	4,3%
5	5500,1 минг сўм ва ундан кўп	87388	2,4%	175483	4,3%

ган ўртача пенсиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори 2015 йилда 438,2 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилда эса 640,5 минг сўмгача⁴, яъни 46,2%га ошган. Бу эса тирикчилик минимумидан анча паст кўрсаткич эканлиги кўриниб турибди. Пенсиялар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг катта қисмининг ўз оиласи билан бирга яшаши уларнинг ижтимоий аҳолининг ёмонлашиб кетишининг олдини олади. Тўйиб

¹ Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадларини аҳолининг 10 фоизли гуруҳлари бўйича нотекис тақсимланиши (уй хўжаликлари танлама кузатувлари маълумотларига асосан)// http://web.stat.uz/open_data/ru/9.2%20OD_income_by_deciles_rus.pdf

² Децил коэффициенти аҳоли орасида моддий бойликларнинг тақсимланишида фарқлар даражасини белгилайди (Тахририят).

³ Қаранг: Какую зарплату получали граждане Узбекистана в 2019 году? // <https://kun.uz/ru/news/2020/01/10/kakuyu-zarplatu-poluchali-grajdane-uzbekistana-v-2019-godu>

⁴ Ўша ерда, 82-бет.

овқатланмайдиган кишиларнинг аҳоли умумий сонидаги улуши 2018 йилда 6,3%ни ташкил этди⁵.

Айтиш лозимки, расмий иқтисодиёт секторида ишловчи ёлланма ходимлар умумий сонида ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 1 000 000 сўмдан кам миқдорда олувчилар улуши 2019 йил январь ойидаги 50,0%дан ноябрь ойида 43,6%га камайди, 2 000 000 сўмгача миқдорда олувчилар улуши шунга мос равишда 27,5%дан 27,7%га ортди (қаранг: 4-жадвал).

2000000,1 сўмдан 4000000 сўмгача ойлик иш ҳақи олувчилар улуши таҳлил даврида 16,8%дан 20,0%га, 4000000,1 минг сўмдан 5500000 сўмгача

⁵ Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясига 1-илова. / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармонининг 1-иловаси. // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.10.2019 й., 06/19/5853/3955-сон) / <http://lex.uz/docs/4567334>

5-жадвал. Ўзбекистонда аҳолининг умумий даромадлари таркиби (% да)¹

	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2010	2015	2016	2017	2018
	Умумий даромадлар, жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
	Шу жумладан:					
I	Бирламчи даромадлар	74,2	78,2	79,7	75,2	76,5
1.1	Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	71,8	75,1	75,7	71,0	72,9
1.1.1	Меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар	70,0	72,8	73,3	68,8	71,1
	Шундан:					
-	ёлланма ишчиларнинг даромадлари	45,0	41,2	38,9	34,3	34,5
-	мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар	25,0	31,6	34,4	34,5	36,6
1.1.2	Шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	1,8	2,3	2,4	2,2	1,8
1.2	Мол-мулкдан олинган даромадлар	2,4	3,1	4,0	4,2	3,5
II	Трансфертлардан олинган даромадлар	25,8	21,8	20,3	24,8	23,5

иш ҳақи олувчилар улуши 2,6% дан 4,3%га ошган. 5500000,1 сўм ва ундан кўп миқдорда иш ҳақи олувчилар улуши 2,4%дан 4,3%га ўсган. Бу эса юқори ойлик иш ҳақи олувчилар улушининг ошганлигидан, ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатларининг яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради.

Маълумотларга кўра, 1 миллионгача ва 2 миллион сўмгача иш ҳақи олувчилар улуши 2019 йил январь ойидаги 78,2%дан ноябрь ойида 71,3%га пасайди. Агар 4 ва 5 кишилик оиланинг ягона даромад манбаи шу миқдордаги иш ҳақларидан иборат бўлса, улар нисбий ёки мутлақ камбағал тоифасига тушиб қолишлари мумкин.

Оила даромадларига иш ҳақидан ташқари, қўшимча бандлик, тадбиркорлик, деҳқон (ёрдамчи томорқа) хўжаликлари, ижтимоий трансфертлар ҳамда яқин қариндошлар ёрдами, ҳомийлар, ютуқлардан келадиган даромадлардан иборат бўлади. Аҳолининг даромадлар таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари улуши 2010-2018 йилларда 45,0% дан 34,5% га камайди, мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар улуши 25,0% дан 36,6% га ўсди (5-жадвал).

¹ Анализ развития уровня жизни и благосостояния населения в Республике Узбекистан //stat.uz; Узбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016 йиллар.- Т.: ЎзР Давлат статистика қўмитаси, 2017. - 56-бет; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017год. - Т.: Госкомстат РУз, 2018. - С. 162; Узбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. - Т., ДСҚ, 2019. - 274-бет маълумотлари асосида тузилди.

Таҳлил даврида аҳолининг умумий даромадлари таркибида бирламчи даромадлар, шу жумладан, ишлаб чиқаришдан олинган, ундан меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар улушлари ўсиб бормоқда. Аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан, мулки ва мустақил равишда бандликдан олинган даромадлари тез суръатлар билан ўсмоқда. Бунинг оқибатида ўрта синф кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бу кўрсаткичлар аҳоли даромадлари бўйича табақаланиши даражасининг жиддий равишда камайганлигини билдиради.

Шу боисдан камбағаллик даражасини белгилашда оиланинг барча даромадлар манбалари ҳисобга олинади. Шунингдек, бу тоифа уй хўжаликларининг сони ва улуши танлама кузатув натижалари асосида аниқланади. Ишсизлик даражасининг 2017 йилдаги 5,8%дан 2018 йилда 9,3%га ўсиши ҳамда 2019 йил сентябрь ойида 8,9%ни ташкил этиши, шунингдек, инфляция йиллик ўртача ўсиш даражасининг кейинги 3 йилда 14-15% ни ташкил этаётганлиги камбағал тоифадаги аҳоли сонининг ортишига олиб келадиган омиллар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сонли Фармонида мувофиқ самарали макроиқтисодий сиёсатни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги этиб қайта ташкил этилди. Мазкур вазирликка камбағалликни қисқартириш борасида қуйидаги вазифалар белгиланди:

- иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

- камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришиш чора-тадбирларини амалга ошириш, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш борасида ўзаро мувофиқликдаги ишларни олиб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Маданият вазирлиги билан биргаликда инсон капиталини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш¹.

Мазкур фармонга мувофиқ камбағаллик даражасини қисқартириш борасидаги чора-

тадбирларни молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан 2020 йилда вазирликка 100,0 млрд сўм ажратиш, камбағалликни қисқартириш стратегиясида белгиланадиган вазифаларнинг амалга оширилишини ҳамда ушбу йўналишдаги дастурларнинг молиялаштирилишини таъминлаш учун 2021 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда алоҳида қаторда тегишли маблағлар кўзда тутилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармонига мувофиқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида жорий йилнинг март-июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган болалари бўлган оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдамлар тўлаш уларни тўлашни янги муддатда давом эттириш тўғрисидаги ариза ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда 6 ой муддатга (бирок бола тегишлича 2 ёшга ва 14 ёшга тўлгундан кўп бўлмаган муддатда) танаффуссиз давом эттириш ҳамда ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўлашни узайтириш билан боғлиқ харажатлар Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан қоплаш белгиланди. Шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни бепул таъминлаш учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарларининг рўйхати карантин тадбирлари амал қилиши даврида бир марталик ниқоблар, антисептик воситалар ва бактерияга қарши совунлар жамланмаси билан тўлдириш вазифаси белгиланди².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5986-сонли Фармонига мувофиқ коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида асосий даромад манбаларини йўқотган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармони. - <https://lex.uz/docs/4776669>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармони. - <https://lex.uz/ru/docs/4780475>

шахсларни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ва тадбиркорлик субъектларини қўшимча қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар қуйидагилар белгиланган:

а) Ўзбекистон «Маҳалла» ҳайрия жамоат фондига, «Саховат ва кўмак» фондига, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига, шу жумладан уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга беғараз бериладиган:

– пул маблағлари ва товарлар (хизматлар)га фойда солиғини ҳисоблашда чегирилган харажатлар сифатида қаралади;

– товарлар (хизматлар) қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади ва айланмадан олинган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритилмайди;

б) Ўзбекистон «Маҳалла» ҳайрия жамоат фондидан, «Саховат ва кўмак» фондидан, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондидан, юридик ва жисмоний шахслардан олинган беғараз ёрдам (пул маблағлари, товарлар ва хизматлар)га, агар ёрдам олувчи шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган бўлса, жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди;

в) жисмоний шахсларга турар жойларини жисмоний шахсларга ва коронавирус пандемияси даврида фаолияти тўхтаган тадбиркорлик субъектларига нотурар жойларни ижарага беришдан олинган жисмоний шахслардан олинган даромадлар бўйича солиқни фоизсиз кечиктириб тўлаш ҳуқуқи берилди. Бунда, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлаш бўйича берилган кечиктириш суммаси 2021 йил 1 апрелга қадар муддатгача тенг улушларда тўланиши лозим¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5986-сонли Фармони. - <https://lex.uz/docs/4800005>

Хулоса ва таклифлар.

Камбағалликни қисқартириш ва унга қарши кураш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- камбағалликка қарши курашнинг муҳим шarti миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг барқарор ўсишини ва ривожланишини таъминлаш ҳисобланади. Миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, унинг асосий тармоқларига рақамли иқтисодиётни ва инновацияларни жорий этиш асосида ички бозорларни миллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари билан тўлдириш асосида инфляциянинг ўсишини жиловлаш ва уни 3-4% даражасига тушириш камбағалликни бир мунча қисқартиришга эришиш;

- кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланишини, янги иш ўринларини вужудга келтиришни қўллаб-қувватлаш асосида меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш. Бунда норасмий иқтисодиётда банд бўлганларни босқичма-босқич расмий иқтисодиёт секторига ўтиши механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш камбағалликни қисқартиришда аҳамиятга моликдир;

- мамлакатимизда аҳолига муносиб даромад олиш имконини берадиган муносиб иш билан бандлик концепциясини жорий этиб бориш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, кўп болали оилалар аъзоларига, ишлашни истайдиган ногиронлар, тўлиқсиз оила вакиллари учун муносиб иш ўринларини яратиш, улар учун тадбиркорлик корхоналарида захира иш ўринларини ташкил этиш ҳамда махсус квоталар белгилаш;

- кам таъминланган ва камбағал деб тан олинган оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш чораларини кўриш, бунда давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларини ташкил этишни рағбатлантириш;

- кам таъминланган оилалар фарзандларининг касбкорлик ҳамда олий маълумот олишлари учун махсус давлат грантлари белгилаш ҳамда уларнинг муносиб иш билан таъминланиши учун махсус дастурлар ишлаб чиқиш;

- иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган ҳудудлар аҳолисининг турмуш даражаси ривожланган ҳудудлар аҳолисиникидан анча паст бўлади ҳамда бундай ҳудудларда камбағал ва кам таъминланган оилалар кўпроқ бўлади. Шундан келиб чиқиб, иқтисодий қолоқ ҳудудларни комплекс

ривожлантириш учун минтақавий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш. Бунинг учун республика бюджетидан ушбу ҳудудлар маҳаллий бюджетларига субвенция ва дотациялар ҳамда бюджет ссудалари ажратиш, бюджетлараро муносабатларни ривожлантириш;

- бюджетларни номарказлаштириш ва бюджетлараро муносабатларни ривожлантириш асосида маҳаллий бюджетлар даромадларининг қўшимча манбаларини яратиш асосида уларни мустақамлаш ва барқарорлаштириш;

- камбағалликка қарши кураш мақсадида республика ҳукумати таркибида яқинда амалга оширилган ўзгартиришлардан келиб чиқиб, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимликларида ҳам тегишли бўлимлар ташкил этиш;

- республика ва вилоятлар миқёсида камбағалликка қарши кураш фондларини ташкил этиш.

Бизнинг фикримизча, камбағаллик даражасини белгилашда истеъмол саватчаси ва яшаш даражаси минимумини ҳисоблаш чиқиш муҳим. Аммо ҳозирги даврда миллий иқтисодиётимизнинг ривожланиши ҳолатидан келиб чиқиб, уни бирданига жорий этиш мумкин эмас, деган фикрларга қўшилаемиз. Бунинг учун маълум тайёргарлик кўриш, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш асосида етарли молиявий имкониятларни босқичма-босқич яратиш бориш даври талаб этилади. Тузиладиган Камбағалликни қисқартириш дастури Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси билан ҳамоҳанг бўлиши, бир қанча босқичларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармони. - <https://lex.uz/docs/4776669>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармони. - <https://lex.uz/ru/docs/4780475>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5986-сонли Фармони. - <https://lex.uz/docs/4800005>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони. - <http://lex.uz/docs/4567334>

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь.

6. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт/Дарслик. Қаландар Абдурахмонов, Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри.-Т.: ЎЗР Фанла академияси, “FAN” нашриёт давлат корхонаси, 2019.-385-426-бетлар.

7. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётга оид атамалар ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. Ўқув қўлланма./ Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. – Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT”,2017.- 628бет

8. Ijtimoiy siosat. O'quv qo'llanma. I.f.d., prof. A.V.Vaxabovning umumiy tahriri ostida,-Toshkent: "MUMTOS SO'Z", 2019.-136- bet.

9. Инсон тараққиёти. Дарслик: и.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида.-Т.: “Fan va texnologiya”, 2013.-230-231-бетлар.

10. Какуо зарплату получали граждана Узбекистана в 2019 году?// <https://kun.uz/ru/news/2020/01/10/kakuyu-zarplatu-poluchali-grajdane-uzbekistana-v-2019-godu>

11. Анализ развития уровня жизни и благосостояния населения в Республике Узбекистан // <http://stat.uz>.
12. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016йиллар.- Т.: Ўз Р Давлат статистика қўмитаси, 2017.-56-бет.
13. Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳоли улуши (уй хўжаликлари танлама кузатувлари маълумотларига асосан)// http://web.stat.uz/open_data/ru/9.1%20OD_Poverty_rate_rus.pdf
14. Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг ривожланиши таҳлили. 2017 йил январь-декабрь.Т., 2018.-4-5-бетлар.// <http://stat.uz>
15. Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадларини аҳолининг 10 фоизли гуруҳлари бўйича нотекис тақсимланиши (уй хўжаликлари танлама кузатувлари маълумотларига асосан)// http://web.stat.uz/open_data/ru/9.2%20OD_income_by_deciles_rus.pdf
16. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси/Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане.2015-2018.-Т., 2019.-85-87-бетлар.
17. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017год. - Т.: Госкомстат РУз, 20- С.1
18. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. - Т.: ДСҚ, 20- 274-бет.